O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУНГИ СОНДА:

**ҚОНУН КУЧГА КИРГАЧ**
электр энергияси соҳасидаги муносабатлар меъёрий жиҳатдан аниқ тартибга солинади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини янада ривожлантириш учун катта имконият яратилади.

2

**ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА**
*Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизда 2005 йилда ишсизлар 191 миллионга етган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 210 миллиондан ошиши кутилмоқда.*

3

**САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ**
*Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловда пойтахтимиздаги Глиэр номли ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчилари муваффақиятли иштирок этишди.*

4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 8 (712)
2009 йил, 27 февраль, жума

# ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ, ИШГА ЁНДАШУВНИ ЯНГИЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

*Бугунги кун мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва уларнинг етакчиларидан янада фаол ҳамда ташаббускор бўлишни талаб этаётир. Бинобарин, партия сафларини кенгайтиришга, сайловларда муносиб ўринларни эгаллашга, бир сўз билан айтганда, халқ ишончини оқлашга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, босиб ўтилган йўлга танқидий кўз билан боқиб, хулосалар чиқариш ва кўзланган мақсад сари дадил интилиш зарур бўлади, албатта. Шунингдек, режаларни пухта тузиш, уларнинг амалга ошишига жиддий эътибор қаратиш, ўз ўрнида жамиятда кечаётган энг муҳим жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиш ҳам жуда катта аҳамият касб этади.*

*Сафларида 74 минг нафардан зиёд партиядошларни бирлаштирган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятига мана шу нуқтаи назардан қаралганда бугун қайси муҳим жиҳатлар кўзга яққол ташланади? "Адолат" СДП бошқа сиёсий партиялардан нимаси билан ажралиб туради? Қолаверса, бугун партия фаоллари қандай фаолият олиб боришмоқда?*

*Партия Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил САИФНАЗАРОВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик.*



***– 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳтарам Юртбошимиз томонидан ўртага қўйилган вазифалар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси етакчилари, фаоллари зиммасига қандай масъулият юклайди?***

— Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз тараққиётининг энг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, маърузада айни пайтда бутун дунё мамлакатларида кузатилаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатлари, унинг Ўзбекистонга бўлган салбий таъсирини камайтириш, бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Юртбошимиз маърузасида илгари сурилган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлайди. Зотан, Президентимиз ташаббуси билан ғоятда пухта, чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури, қолаверса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларига эш, ҳамоҳангдир. Бу, ўз навбатида, партия етакчилари, фаоллари зиммасига катта масъулият ва вазифаларни юклайди ҳам.

Шу кунларда партиямиз фракцияси аъзолари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловчилар билан учрашувларда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги Президентимиз маърузаси кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳудудий Кенгашларимиз ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда ҳам айни шу мавзу атрофида сўз юритилмоқда.

***— Энди жаҳондаги социал-демократик партияларнинг келиб чиқиши ва бугунги кундаги мавқеи, шунингдек, "Адолат" СДПнинг вужудга келиш тарихи ҳақида фикрлашсак.***

— Жаҳон тарихига назар ташласак, социал-демократик ҳаракатнинг XIX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаганлигини кузатамиз. Ўша даврда бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида саноат ривожланиб, йирик корхоналар вужудга кела бошлади. Бу ёлланма ишчи кучига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Ўз навбатида, ишчиларнинг оғир меҳнати ва ижтимоий аҳволи уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақозо этди. Ушбу вазифани ўзларини социал-демократлар деб атовчи кишилар зиммаларига олдилар. Дастлаб улар матбуот ва касаба уюшмалари орқали, кейинчалик сиёсий партиялар орқали ҳаракат қилдилар. Бундай партиялар фаолияти асосида демократик шарт-шароитлар яратиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий (социал) ҳуқуқларини таъминлаш ётарди. Шу сабабли ҳам бундай партиялар социал-демократик партиялар, деб атала бошланди.

Вақт ўтиши билан социал-демократлар ўз сиёсатида нафақат бир синф, балки жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодалашга интилишди. Қолаверса, улар ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этдилар. Социал-демократлар янги иш жойлари ҳам, юқори иш ҳақи ҳам, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун олинадиган солиқлар ҳам бозор муносабатларининг самарали йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини тўла англаган ҳолда, доим тадбиркорлар ва кенг халқ оммаси манфаатларини бир-бирига мослаштиришга интилиб иш олиб боришди.

(Давоми 2-бетда.)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



# ШАРҚНИНГ БЕБАҲО ГАВҲАРИ

Биласизми, ҳар қандай шаҳарга борганингизда ёки бирор фусункор гўшани зиёрат қилганингизда, ўша жойнинг нимасидир сизни ўзига тортиб туради. Юртимиз бўйлаб сафар қилсангиз, Хива-ю Бухоронинг минг йиллик минорлари, Самарқанду Қўқоннинг табаррук обидалари, Жиззахнинг сўлим табиати, водийнинг беқиёс боғу гулзорлари кўнглингизни ўзига ром этади. Бу бежиз эмас. Чунки биз бу шаҳарлар ҳақида гапирганимизда, ҳамиша ана шу хислатларидан гап бошлаймиз, уларнинг қучоғига шуларни қўмсаб интиламиз.

Пойтахтимиз Тошкент эса, бутун дунёга бағрикенг шаҳар сифатида донг таратган. Бу шунчаки таъриф эмас. Бу неча мингйиллар давомида ўзининг чинакам инсоний фазилатлари, заҳматкаш ва бардошлилиги билан тилга тушган ватандошларимиз учун берилган тавсиф. Ҳар қандай шароитда энг аввал юртим деган, болам деган, эътиқодини жонидан азиз билган халққа берилган таъриф бу.

Бугун Тошкент кўчаларини, хиёбону гузарларини сайр қиларкансиз, дилингиздан битта гап ўтади — бу тинчлик учун бунёд бўлган шаҳар. Чиндан ҳам унинг муҳташам иншоотлари, бетакрор жамоли, осойишта ҳаёти, хотиржамликда яшаётган инсонларини кўрган киши бу гапларга шубҳа қилмайди. Бу шаҳар дилларни дилларга, йўлларни йўлларга боғловчи, тинчлик ва ҳамжиҳатликни байроқ қилган юртнинг рамзи.

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК

*икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим аҳамият касб этади*

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг азалий маданий ва инсонпарварлик алоқалари бор. Икки халқнинг умуммаданий ва тарихий илдизлари мамлакатлар муносабатларида ўзаро манфаатли омиллар бўлиб хизмат қилиб келади. 1991 йилдан сўнг ҳар икки давлат халқаро ҳуқуқларда тўла ҳуқуқли субъектлар бўлиб, БМТ аъзоларидир.

Иккала мамлакатнинг яхши қўшничилик муносабатларини стратегик мустаҳкамлаш омиллари ҳақида гапирганда, ўзбек-туркман халқлари муносабатлари эволюциясини, ўзаро муносабатларнинг иқтисодий таркибларини, маданий-гуманитар алоқаларни, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг истиқболдаги муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари эволюцияси иккала давлат ўртасида 1993 йил 7 январда ўрнатилган дипломатик алоқалардан бошланди. Республикалараро ўзаро ҳамкорлик тўғрисида юздан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Улар – давлатлараро ва ҳукуматлараро аҳамиятга эга 60 та халқаро шартнома, идоралараро аҳамиятидаги 16 та ҳукуматлараро шартнома, давлатлар чегараси делимитацияси масалаларига оид 9 та ва 12 та бошқа (Президентларнинг Ҳамкорлик келишуви, ҳукуматлараро комиссияларнинг Қўшма мажлислари баённомалари ва ҳоказо) ҳужжатлардир.

Ҳукуматлараро келишувлар орасида "Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида"ги шартнома (1996 йил), "Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида"ги шартнома (2004 йил), шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилган "Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида"ги шартнома (2007 йил) жуда катта асосга эга бўлиб, моҳиятан истиқболли ҳужжатлардир.

Икки томонлама алоқалар ривожи изчиллигини Тошкент ва Ашхобод ўртасида Олий даражадаги расмий учрашувларнинг сўнгги икки ташрифи мисолида ёрқин кўриш мумкин. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 октябрдаги Туркманистонга Давлат ташрифи ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг 2008 йил март ойидаги Ўзбекистонга Давлат ташрифи икки қўшни халқлар муносабатлари ривожида ўзига хос эволюцион қадам бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

## 7 кун нафаси

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Қизилтепа туманидаги "Ванғози агроэкспорт" масъулияти чекланган жамиятда қишлоқ ёшларини муқим иш жойлари билан таъминлаш борасида хайрли ишларга қўл урилди.

Корхонада қиймати 45 миллион сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғини ҳидсизлантирувчи дезадиротор ускуналари ўрнатилгач, ҳам маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортди, ҳам 20 нафар қишлоқ ёшларига янги иш ўринлари очилди. Ҳозир бу ерда ванғозилик ёшлар истеъмолчиларга бир кеча-кундузда 8 тоннагача ўсимлик ёғи узатмоқдалар.

### «ИЛ-114-100» ПАРВОЗГА ШАЙ

"Ozbekiston havo yo`llari" миллий авиакомпанияси парки яна бир янги авиалайнер – "Ил-118-100" билан бойиди. Унинг республикамиз ички йўналишлари ва МДҲ мамлакатларига парвоз қилиши кўзда тутилган.

Парвоз синовларидан муваффақиятли ўтган самолёт ўзининг қулай учиш – техник ва тежамкорлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Замонавий авиация бозорининг барча талаблари ҳисобга олинган. Фойдаланиш харажатлари кам, авиадвигателларининг ёқилғи сарфи тежамли. Автоматик қўйиш жиҳозларига эга. У 52 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, соатига 500 километр тезликда 1250 километр масофагача парвоз қила олади.

### ЧОЛИШ – БЕРУНИЙ КЎПРИГИ ТИКЛАНМОҚДА

Илгари Хоразм вилоятининг маркази – Урганч шаҳри билан Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманини Амударё узра бирлаштириб турган фонтон кўприк бир қадар хавф-хатарли эди. Яқинда иккала соҳил устида Чолиш (Хоразм вилоятининг аҳоли пункти) билан Беруний туманини бирлаштирувчи янги замонавий кўприк қурилиши бошланди.

Узунлиги салкам бир километр, эни 20 метр бўлган мазкур иншоотда ҳар томонга иккитадан қатнов йўли яратилади. Қурилиш ишларини "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Кўприкқурилиш" гуруҳи жадал олиб бормоқда. Умумий сарф-харажати 120 миллиард сўм атрофидаги иншоот 2010 йилда Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.

### БИЛИМДОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимиз мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Солиқлар билимдони" ижодий ишлар кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи якунланди.

Мавзуни суратларда, ҳикояларда, лавҳаларда ва компьютер саволларига жавобларда акс эттириб, ғолиб чиққан ўқувчиларга вилоят давлат солиқ бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Энди уларнинг ижобий ишлари кўрик-танловнинг республика босқичига юборилади.

# ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

***Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган бир гуруҳ депутатлар жойларда бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишмоқда. Ўзаро қизғин мулоқотлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, парламент қуйи палатасидаги фракция фаолияти, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, улар ижросини таъминлаш борасида партия олдида турган долзарб масалалар хусусида атрофлича сўз юритилмоқда.***

**ҚАШҚАДАРЁ:** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов Қарши шаҳридаги сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази, "Рогузар", "Гулшан" ва "Дарвозатутак" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган мулоқотларда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва юксак аҳамияти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган йиғилишда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларга асосий эътибор қаратилди.

Учрашувларда бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз вужудга келган бир пайтда мамлакатимизда 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилганлиги ва бу яхши самара бераётганлиги алоҳида қайд этилди.

– Бу жараёнларни аҳоли, хусусан, партия электорати орасида тарғиб қилиш, унинг моҳиятини тушунтириб боришда "Адолат" СДП ҳудудий ташкилотлари ҳамда депутатлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим, – деди Собир Турсунов ўз сўзида. – Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қабул қилинган "Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисида"ги қарорини ҳаётга тадбиқ этишда маҳаллий кенгаш депутатлари фаоллик кўрсатишлари талаб этилади.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада Қарши шаҳрида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаяпти. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, юқорида номлари зикр этилган маҳаллаларга тоза ичимлик суви келтириш ишлари кейинги вақтда айрим сабабларга кўра тўхтаб қолгани сайловчилар томонидан эътироф этилди. Бу муаммо шу куннинг ўзида мутасаддилар иштирокида таҳлил қилиниб, ижобий ечим топди.

Мулоқотлар давомида иштирокчилар Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдаги иштироки тўғрисидаги ахборотни тинглашди.

**БУХОРО:** 19-Жондор сайлов округидан сайланган депутат Зуҳра Ботирова Жондор тумани сайловчилари билан учрашди.

Депутат Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2008 йилги фаолияти ҳақида сайловчиларга батафсил маълумот берди. Айни чоғда учрашувларда Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилиб, сайловчиларнинг диққат-эътибори кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида партиянинг иштирокига қаратилди.

Шунингдек, учрашувда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мулоқотлар асносида сайловчилар томонидан турли мавзуларда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам ўртага ташланди. Тегишли ташкилот ва идоралар билан мазкур масалалар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этишга киришилди.

**НАМАНГАН:** "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ойиша Охунова Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ҳамда Чортоқ туманларида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Янгиқўрғон тумани фермерлар уюшмаси, тумандаги "Бирлашган", "Шарқ" сингари қишлоқ фуқаролар йиғинларида, Чортоқ туманидаги "Сарой", "Қорамурт" маҳаллаларида фуқаролар, маҳалла оқсоқоллари, ижтимоий соҳа вакиллари, ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотда депутат парламентда қабул қилинган янги қонунлар моҳияти, хусусан, одам савдосига қарши курашиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган солиқ имтиёзлари, шундан келиб чиққан ҳолда қўшимча иш ўринларини яратиш, корхоналарни модернизациялаш сингари долзарб масалалар хусусида фикр юритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қисқа вақтда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қиладиган 80 дан ортиқ янги қонунлар яратилди. Бу, ўз навбатида, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга, аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган ва хорижий сармояларни жалб этадиган зарур инфратузилмаларни бунёд этишга кўмаклашмоқда. Шу туфайли республикамизнинг чекка туманларида ҳам кейинги пайтда ғоят кенг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олган кўплаб корхоналар фойдаланишга топширилди. Аммо Давлат дастурида белгиланган вазифалар кўламидан келиб чиқиладиган бўлса, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бу жамоат ва нодавлат ташкилотлари қатори "Адолат" СДП фаоллари олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда.

Депутат билан учрашувларда партия фаоллари, маҳалла фуқаролари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Адолат" СДП фракциясининг бошқа аъзолари ҳам сайлов округларида сайловчилар билан жойларда мулоқотларда бўлишди.

**Ўз мухбирларимиз.**

# САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ



Яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Европага нигоҳ» («Окно в Европе») деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда бир қанча хорижий мамлакатлар мусиқа мактабларининг қобилиятли ўқувчилари ўз иқтидорларини намойиш қилишди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган навбатдаги IV халқаро танловда Тошкент шаҳридаги Глиэр номли ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчилари ўз маҳоратларини ишга солиб, энг юқори совринларнинг соҳибига айланишди. Хусусан, халқ чолғу асбобларида жаҳон куйларини қойилмақом тарзда ижро этган Мухтор Муҳаммадалиев (афғон рубоби) биринчи ўринни эгаллади. Фортепианода Дилноза Тўраева учинчи ўринга муносиб кўрилди. Шунингдек, «Энг яхши жўрнавоз» номинацияси ғолиблиги юртдошимиз Сурайё Тиллахўжаевага насиб этди.

Дарвоқе, санъат баркамол авлодни тарбиялашда беқиёс кучга эга. Қалби гўзаллар эса ҳамиша ёмонликлардан, ҳар қандай разилликлардан йироқ бўлади. Буни ўқувчиларнинг шижоатида, маънавиятида кузатиш мумкин. Бу бизга ифтихор бағишлайди.

**М.ҒАФУРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

Суратда: халқаро кўрик-танлов ғолиблари.

**Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

## Маданият хабарлари

### ИЖОДИЙ САФАР ОЛДИДАН

Бухоро шаҳрида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган “Моҳи ситора” ансамбли Туркияда бўлиб ўтадиган анъанавий фольклор-этнографик кўрик-танловида иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Шу кунларда репертуаримизни янги халқ қўшиқлари билан анча бойитдик, – дейди гуруҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олияхон Ҳасанова. – Саҳна либослари миллий матолар – беқасам ва адраслардан тикилди. Ижодий сафар Наврўз байрами арафасида бўлаётганлиги сабабли дастуримизнинг мазмундорлиги янада ошади. Хорижлик мухлисларга урф-одатларимиз, бетакрор Наврўз таомлари, шунингдек, мучал тўйи каби анъаналаримизни кўрсатишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, воҳамизга хос куй-қўшиқлар ҳамда лапарлар ҳам ижро этилади.

**Б. МУСУРМОНОВ.**

### МУСИҚА ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Ўзбек мусиқа анъаналарини жаҳон саҳналарида муносиб равишда тарғиб этаётган созандалар орасида иқтидорли ёшлар ҳам оз эмас. Японияда ўтказилган «Ёш ижрочилар халқаро фестивали”да пойтахтдаги мусиқий академик лицей ўқувчиси Мансур Қодиров ўзига хос ижро услубини муваффақиятли намойиш эта олди.

– Мусиқа чегара билмайди. Миллий куйлар ғижжак, виланчел, рубоб ва най каби чолғу асбобларида турлича куйланади ва янграйди, – дейди М. Қодиров. – Кунчиқар мамлакатда хорижлик санъат ихлосмандлари европача асбобда миллий оҳангларни ижро этишимни сўрашди. Шунда мен талабга биноан виланчелда миллий куйларимизни чалиб бердим.

**Р.ҲАЙДАРОВ.**

## Кўргазма

# БЕТАКРОР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Ўзбекистон Бадиий Академияси Марказий кўргазмалар залида таниқли рассом Азамат Ҳотамов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда...

Франция, Германия, Россия, Англия, Туркия каби кўплаб хорижий давлатларда кўргазмасини ташкил этишга сазовор бўлган сурхондарёлик рассом ва ҳайкалтарошнинг охирги йилларда яратган асарлари кўргазмаси очилишида ҳайкалтарошнинг оила аъзолари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, таниқли ҳайкалтарошлар, санъатшунослар ҳамда ижодкорнинг мухлислари иштирок этишди.

Кўргазмани томоша қилар экансиз, бу ердаги бронзадан ишланган асарлар диққатингизни жалб қилмасдан қолмайди. Ҳайкалтарош ўз асарларини яратар экан, уларни миллийлик руҳида акс эттиришга, халқнинг типик вакили қиёфасини яратишга ҳаракат қилади. Шунингдек, ижодкор асарларининг мавзу кўлами ҳам ғоят ранг-баранг бўлиб, бир хилликдан чекинади. Жумладан, унинг “Интизорлик”, “Танноз”, “Аёл – мисоли илон”, “Сурхондарёлик она”, “Тулпорлар ҳаракати”, “Ҳаётга интилиш”, “Аёл қомати” каби асарларида бир-бирига ўхшамаган ранг тасвирнинг ифодаланишини туясиз.

Қатор халқаро кўргазмалар совриндори, “Ўзбекистон маданияти ва санъати” форуми танловининг гран-при соҳиби, “2005 йилнинг энг яхши рассоми” Азамат Ҳотамовнинг ушбу кўргазмасида ижодкорнинг тўққизта ҳайкалтарошлик асарлари ва олтмишдан ортиқ чизма тасвир ҳамда рангтасвир композициялари намойиш этилмоқда.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

## Спорт

***Вақтнинг елдек ўтишини кўринг. Яқиндагина футбол бўйича ўн еттинчи миллий чемпионатимиз ўйинларидан баҳраманд эдик. Қарангки, ҳадемай навбатдаги чемпионат баҳслари ҳам бошланади. Аниқроғи, яна бир кундан сўнг – 1 март куни мамлакатимизнинг саккизта шаҳрида ўн саккизинчи чемпионат ўйинларига старт берилади.***

# АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Ўтган йилги чемпионат ғолиби “Бунёдкор” (Тошкент) жамоаси биринчи турни сафарда, Самарқанднинг “Динамо” жамоасига қарши ўтказади. Тошкентнинг яна бир жамоаси – “Пахтакор” эса шу куни ўз майдонида “Бухоро” (Бухоро)ни қабул қилади. Шунингдек, миллий чемпионатимизнинг гранд жамоаларидан саналган “Нефтчи” ҳам биринчи ўйинни сафарда ўтказади. Юрий Саркисян шогирдлари “Қизилқум” меҳмони бўлишади. Эътиборлиси, “Нефтчи” иккинчи тур учрашувини сафарда ўтказишга мажбур. Эсингизда бўлса, фарғоналиклар ўтган мавсумнинг дастлабки икки учрашувида ҳам “Бунёдкор” ва “Пахтакор”га қарши майдонга тушишганди.

Қолган учрашувлар тақвими қуйидагича:

“Андижон” (Андижон) – “Локомотив” (Тошкент), “Насаф” (Қарши) – “Шўртан” (Ғузор), “Навбаҳор” (Наманган) – “Олмалиқ” (Олмалиқ), “Металлург” (Бекобод) – “Хоразм” (Урганч), “Сўғдиёна” (Жиззах) – “Машъал” (Муборак).

**Ойбек АБДУЛЛАЕВ.**

## Янги фильм

# «ОТАНГГА ҚЎЛ КЎТАРДИНГМИ?»

Бугунги кунда жуда кўплаб киностудияларда ўзбек миллати ҳаёти, яшаш тарзи, урф-одатлари, ёшлари ҳақидаги турли фильмлар томошабинларга тақдим этилмоқда. Картиналар ўз мухлисини ҳам топмоқда. Фильмлар шунчалар ранг-барангки, бу эса ҳаётимизнинг турли томонлари қамраб олинаётганлигидан далолатдир. Ана шундай фильмлардан бири “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қошидаги “Ибрат” студиясида суратга олинаётган “Отангга қўл кўтардингми?” деб номланади. Биз янги фильм ижодкорларидан унинг мавзусини шарҳлаб беришни сўрадик.

– Кейинги пайтларда муҳаббат мавзусидаги фильмлар кўпайиб кетди, – дейди сценарий муаллифи ва бош режиссёр Лутфулла Саъдуллаев. – Тўғри, бундай фильмлар ёшларимизга жуда зарур. Бироқ ёшларни катталарга ҳурмат, отани эъзозлашга чорлайдиган ва катта тарбиявий аҳамиятга молик кинолар ҳам керак-ку! Ижодкорларимиз томонидан тайёрланаётган фильмнинг асосий мавзуси юқори лавозимларга кўтарилиб, босар тусарини билмай қолган йигитнинг отасига, дўстларига, турмуш ўртоғига қилган беписандликларининг оқибати нима билан тугаши ҳақида. Мазкур фильм сценарийси Алп Жамол асари асосида ёзилган.

Фильмда кўплаб иқтидорли актёр ва актрисалар билан бирга қўшиқчилик санъати юлдузларидан бири Равшан Комилов ҳам роль ижро этмоқда. Биз унинг фикри билан ҳам қизиқдик.

– Менга фильмнинг сценарийси жуда маъқул бўлди, – дейди у. – Авваллари ҳам жуда кўп фильмларга таклиф этишганди. Лекин бу асарда кўтарилаётган мавзунинг таъсирчанлиги менга ёқди. Илк ролим бўлгани учун менга кўпчилик кўмак бераяпти. Бу борада айниқса, кино санъатида обрў қозонган санъаткорлар Гулчеҳра опа билан Лутфулла аканинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Эл эъзозидагилар билан бақамти образ яратиш ҳаммага ҳам насиб этавермаса керак.

Мамлакатимизда, хусусан киночилик соҳасида Лола Элтоевани бугунги кунда танимайдиган одам бўлмаса керак. У ҳар бир асардаги образни жонли ва таъсирчан ҳолда ижро этади. Мазкур фильмда ҳам севимли актрисамиз асосий ижрочилардан.

– Фильмда яратаётган образим олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Оиласи, болалари, хонадондаги қариянинг ҳурматини жойига қўйиб, эри топиб келганига қаноат қилиб, шу билан бир қаторда оила деб аталмиш буюк бешикни тебратаётган ўзбек аёли образини яратаяпман. Аёл нафақат она, балки жамият олдида масъулиятга эга бўлган шахс эканлиги бу асарда яққол очиб берилган. Менга мана шу томонлари жуда маъқул бўлди.

Ижодий гуруҳ аъзолари янги асар ҳақида тўлиб тошиб гапиришди. Биз суҳбатни яна давом эттиришимиз мумкин эди. Суҳбатнинг давомини кейинга, фильм экранларга чиққанда, мухлислар билан биргаликда яна бир бора ўтказишни ваъда қилиб, фильм ижодкорларига муваффақият тиладик.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**

## Орамиздаги одамлар

# ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

Нормурод ишдан шом оққанда қайтди. Уйда ўғил-қизлари-ю, набиралари дастурхон атрофини тўлдириб ўтиришган экан. Болакайлар ўринларидан туриб Нормуродни қучиб олишди, қўлларидаги гулларни бериб, уни олтмиш ёши билан муборакбод этишди. Эндигина беш ёшга қадам қўйган кенжа набираси Шерхон қўлидаги суратни Нормуродга тутқазар экан:

– Бобожон, мен сизни мана бу сурат билан табриклайман, – деди.

Нормурод набираси берган суратга узоқ тикилиб қолди. Унда шаҳар фаолларидан бири онасига самарали меҳнатлари учун фахрий ёрлиқни топшираётгани, унинг ёнида эса ҳали ўқувчилик пайтлардаги Нормурод кулиб турарди.

Сурат баҳона унинг кўз ўнгида ўтмиш хотиралари гавдаланди. Ўшанда у волидасини роса саволга тутганди.

– Ойи, бу фахрий ёрлиқни сизга нега беришди?

– Эшитдинг-ку болам, яхши ишлаганим учун тақдирлашди. Сен ҳам катта бўлиб ҳалол ишласанг, ана шундай эл эъзозига эришасан...

Нормурод ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, касб-ҳунар билим юртига чилангарликка ишга кирди. Кейинчалик, 1965 йилдан 1974 йилгача кон бошқармаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида электр устаси вазифасида фаолият кўрсатди. Шу орада Фарғона политехника институтида сиртдан таълим олди. Жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Нормурод Шерназаровнинг изланувчанлиги, ғайрат-шижоати кўпчиликка маъқул бўлди. 1984 йили у Каттақўрғон дон маҳсулотлари корхонасига раҳбар этиб тайинланди. «Кўп йиллик тажрибага эга бўлган собиқ раҳбарлар корхонани оёққа турғизолмади-ю, у нима қила оларди», деганлар ҳам бўлди. Дарҳақиқат, ўшанда корхонада ечимини кутаётган муаммолар талайгина эди: жамоа ўртасидаги интизомсизлик, айниқса, тегирмонлардаги техника линияларининг нормал ҳолда ишлатилмаётгани янги раҳбарни ташвишга солди.

– Дон ризқ-рўзимиз, – дея сўз бошлади жамоа билан ўтказилган дастлабки йиғилишда у. – Эл дастурхонининг тўкинлиги бизнинг самарали меҳнатимизга боғлиқ. Шундай экан, техника қувватларидан унумли фойдаланиш йўлларини қидиришимиз керак. Донни етиштириб бераётган деҳқон ҳам, маҳсулотимизни харид қилаётган мижоз ҳам хафа бўлмасин.

Янги раҳбарнинг юракдан отилиб чиқаётган бу сўзлари ўтирганларга катта таъсир қилди.

– Нормурод Муродович, сиз ҳақ гапни гапирдингиз, – деди тегирмон цехининг бошлиғи Шомурод ака, – лекин цехларимиз таъмирга муҳтож. Техника ускуналари, электр линияларини қайта таъмирламасак, ишимизда унум бўлмайди. Омборхонамиз ҳам талаб даражасида эмас. Қиш, баҳор ойларида унинг томидан чакка ўтиб маҳсулотларимизнинг сифати бузилаяпти.

Нормурод Шомурод аканинг талаб ва таклифларини кундалик дафтарига ёзиб қўйди. Сўнг бош ҳисобчини ҳузурига чақирди. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари билан танишиб чиқди, таҳлил қилди. Ишчи-ходимларнинг икки ойдан буён маош олмаслик сабаблари билан қизиқди. Ҳисоб-китобларга қараганда, корхонанинг электр энергияси ва солиқ тўловларидан, хўжаликлардан қарздорлиги кўпайиб кетган. Маҳсулот олган савдо ташкилотлари эса ўз вақтида тўлов пулини корхона ҳисоб рақамига кўчиришмаган. Омборда эса зарур маҳсулотлар мижозларга етказилмай турибди.

– Нега маҳсулотлар жўнатилмаяпти? – сўради бош ҳисобчидан.

– Олишмаяпти.

– Сабаб?

– Намда қолиб сифати бузилган.

Янги раҳбар корхона фаолиятини атрофлича ўрганиб чиққач, муаммоларни бартараф этишга зўр қатъият билан киришди. Қарзга маҳсулот олган ташкилот раҳбарлари билан гаплашиб, тез орада қарзларни ундирди. Натижада ишчи-хизматчиларнинг маошлари ўз вақтида берила бошланди. Бу эса жамоа ўртасида аҳилликни мустаҳкамлади. 5 минг тонна ғаллани сиғдирадиган, тозалаб сақлайдиган омборхона, ишлаб чиқариш технологик лабораторияси, механика электр таъмирлаш устахоналари мажмуаси ишга туширилди.

...Нормурод Шерназаров кўп йиллар мобайнида Каттақўрғон «Пахтамат» корхонаси директори ўринбосари, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, шаҳар тадбиркорлар палатаси раиси, шаҳар маҳаллалар кенгаши раиси, меҳнат бўлими бошлиғи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. У қайси лавозимда ишламасин, эл-юрт ташвиши билан елиб-югурди. Фидойилиги, ташкилотчилиги ва одамларга ғамхўрлиги билан катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Бугун у фарзандларининг меҳрибон отаси, набираларининг севимли бобоси, шогирдларининг талабчан устози. Бир сўз билан айтганда, эл-юрт учун ёниб яшаш бахтидан баҳраманд инсон.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# ИСТАК

*Баҳор келди!*
*Баҳорим, баҳор!*
*Кутган эдим интиқ-интизор,*
*Экин-тикин, дала, дашт, яйлов –*
*Соғинчини этмоқда изҳор...*

*Чаппор уриб гуллади боғлар,*
*Кўклик тақиб безанди тоғлар,*
*Томорқада кетмон овози,*
*Жўр бўлади қушларнинг “сози”.*

*Кўркам бўлиб ясанди роғлар,*
*Кўк юзидан арииди доғлар,*
*Осмон тиниқ, қуёш ярақлаб,*
*Борлиқ яшнаб – ёшарган чоғлар...*

*Ҳайҳот, нечун ёшармас инсон?*
*Йиллар сайин тилкаланар жон...*
*Ёшига ёш қўшилса-да гар –*
*Ёшарсайди ҳеч қурса бир бор..!*

**Замон АЛИ.**



# ЭЗОП

## ХЎЖАЙИННИНГ ДУРУСТИ

Зиравор сотувчи эшагининг қорнини тўйдирмас экан-у, бироқ кўп ишлатаркан. Қийинчиликдан қийналган эшак Юпитерга арз қилишга мажбур бўлибди. Эшак Юпитердан ўзига бошқа хўжайин тайинлашини сўрабди.

Юпитер уни: кейин пушаймон бўлиб юрма, деб огоҳлантириб, том ёпувчига сотилишига имкон туғдирибди. Эшак том ёпувчининг қўлида оғир юкларни ташибди, ғишт заводида тинмай ишлашга мажбур бўлибди. Кўп ўтмай эшак тағин Юпитерга арз қилиб, хўжайинини алмаштиришни сўрабди. Бу илтимосни ҳам Юпитер бажарибди. Аммо бу охиргиси, дея огоҳлантириб, уни кончига сотишга буйруқ берибди.

Ўлганимдан кейин ҳам теримни шилиб, қуритиб фойдаланадиган бу хўжайнимдан кўра, оч қолдирадиган, ортиқча ишлатадиган олдинги хўжайинларим яхши эди, - дебди эшак.

**Қиссадан ҳисса: бир жойда қаноат қилмаган киши бошқа жойдан бахт тополмайди.**

## КЎРШАПАЛАК ҚИСМАТИ

Қушлар билан йиртқичлар ўртасида низо чиқибди. Иккала томон ҳам қўшин йиғишни бошлабди. Кўршапалак қайси қўшинга қўшилишни билмай, иккиланиб қолибди. Унинг ёнгинасидан учиб ўтаётган қушлар:

– Юр бизлар билан, – дейишибди.

Аммо кўршапалак:

– Мен йиртқичман, – дебди.

Кейинроқ ини тагидан ўтиб кетаётган йиртқичлар унга қараб:

– Юр, бизга қўшил, – дейишибди.

– Мен қушман – дебди кўршапалак.

Хайриятки, охирги лаҳзада тарафлар муросага келишиб, уруш бўлмабди. Шунда кўршапалак қушларнинг олдига бориб, ўзини ҳам давраларига, хурсандчиликларига қўшишларини сўрабди. Аммо қушлар унга тескари бурилиб, учиб кетишибди. Кейин кўршапалак йиртқичларнинг ёнига борибди, бироқ тезда ортга чекинишга мажбур бўлибди. Чунки улар кўршапалакни бурда-бурда қилишлари мумкин экан.

**Қиссадан ҳисса: беқарор кишининг дўсти ҳам бўлмайди.**

## Бу қизиқ

### ЙЎЛБАРС ГЎШТИ ЕЙИЛМАЙДИ

Камбоджа халқи учун ҳамиша истеъмолда бўлиб келган йўлбарслар ва айиқларни ейиш ҳукуматнинг махсус фармони билан маън этилди. Сабаби, Камбоджа аҳолиси юқорида айтиб ўтилганидан ташқари, яна кўплаб қуш ва ҳайвонларни ҳам истеъмол қилишни хуш кўрадилар.

Албатта бунга Камбоджа табиатни муҳофаза қилиш жамияти бефарқ қараб туролмади. Чунки, бу ерда 1300 турдан зиёд ҳайвонлар бўлиб, аҳолининг гўштга ўчлиги сабабли, улар қирилиб кетмоқда.

– Биз одамларни доимо ҳайвонларни муҳофаза қилиб, келажак авлодларга ҳам уларни сақлаб қолишни тарғиб этиб келганмиз, лекин бу яхши натижаларни бермади. Шунинг учун биз давлат миқёсида таъқиқловчи қонун чиқаришга мажбур бўлдик, — дейди Пномпень шаҳар губернатори.

Эндиликда шаҳар ресторанларида бу ҳайвонлар гўштидан таомлар тайёрлаш маън қилинди.

**Салоҳиддин СИРОЖ.**

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовлатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтўра ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи – Фарҳод ЭСОНОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 100. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 4227. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00